Дўстлик ва ҳамкорлик ришталари

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг йиғилишида истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, барқарорлик, бой маданий меросимиз Буюк Британия билан маданий-маърифий алоқалар теграсида ўзига хос тарғиб қилинаётгани таъкидланди. Жамият аъзолари эса бу борада қилинаётган ва кўзда тутилган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Хусусан, яқин вақт ичида жамият фаолиятини «Интернет» халқаро алоқа воситаси билан боғлаш, мамлакатимизга дўстона сафар билан келувчиларга кўнгилочар ўйинлар кўрсатиш каби таклифларни ўртага ташладилар. Йиғилишда жамият аъзоларининг келаси йили амалга ошириши кўзда тутилган дастури ҳақида ҳам фикр юритилди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Элликқалъа армуғони

Қорақалпоғистон далаларида пахта йиғим-терими ёппасига бошланди. Ҳосилни барвақт йиғиб олиш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда. 4100 тонна пахта етиштирадиган Элликқалъа тумани пахтакорлари республикада биринчилар қатори теримга киришдилар. «Бўстон», «Сарибий», Ғ Адилов номли қишлоқ хўжалиги фермер уюшмалари олдинда боришмоқда. Х.Ражабов, С. Абдураҳмонов, Н. Аметов, Б. Жуманиёзовлар бошлиқ ўнлаб пудратчилар бир ҳафтада 28-38 тоннадан ошириб пахта топширишиб, шартнома режаларини бажаришди. Теримчиларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Ҳар беш кунда уларга иш ҳақи тарқатилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қаршида қовун сайли

Табиатнинг баракали фасли — куз бошланди. Қаршидаги Мустақиллик майдонида эса анъанавий қовун сайли ташкил қилинди.

— Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги қутбаракали келди, — дейди У. Юсупов туманидаги «Денов» ширкат хўжалиги раиси М. Саидов. — Жами 3,6 минг тонна ғалла етиштирдик, 8,5 минг тонна пахта армуғон этмоқчимиз. Ҳисобимизда 45 миллион сўм маблағимиз бор. 10 миллион сўмлик пай улуши тарқатилди. Полиз маҳсулотларига эътибор қилиб, 55 хил қовун етиштирганмиз.

Қашқадарёликларнинг меҳнати эл-юртга манзур. Ғалла мўл бўлди. 500 минг тонна дон етиштирилди. Пахтакорлар эса 420 минг тонналик ҳосил учун курашмоқдалар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. У қуйидагиларни назарда тутади:

бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби тасдиқлансин.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатга Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин, жамғарма:

режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб варақларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблағ маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

6. Белгилансинки, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

аввало мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

тижорат банкларида жорий ҳисоб варақлар очган ҳолда юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари рўйхатини 1999 йил 1 октябргача белгиласин;

бюджет ташкилотлари фаолияти турини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативларини 1999 йил 1 ноябргача ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бюджет ташкилотларини 2000 йил 1 январдан бошлаб маблағ билан таъминлашнинг янги шартларига ўтказишга тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда — Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини, Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда — Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мол-мулкини бошқа корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласин, бунда:

бюджет маблағларидан, шу жумладан Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;

бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетиши;

штат-смета интизоми бузилиши;

харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига риоя қилмаслик ҳолларининг олдини олсин.

Молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюджет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жавоб беришлари тўғрисида огоҳлантирилсин. Бунда бюджет ташкилотларининг қўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатига зарар етказмаслиги керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддатда киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 сентябрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 7 сентябрь, сешанба • № 107 (25.502).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Тошкент шаҳар сайлов округи
(Маркази — Ўзбекистон Республикаси Давлат акционерлик суғурта компанияси биноси, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уй)
Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи
(Маркази — Андижон вилоят касаба уюшмалари кенгаши биноси, Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй)
Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи
(Маркази — Бухоро вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази биноси, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй)
Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи
(Маркази — Жиззах вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, 70-уй)
Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи
(Маркази — «Фарҳод» Маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 58-уй)
Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи
(Маркази — «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Наманган шўъба корхонаси биноси, Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 3-уй)
Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи
(Маркази — Самарқанд вилоят касаба уюшмалари кенгаши биноси, Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-уй)
Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи
(Маркази — Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 60-уй)
Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи
(Маркази — «Сурхонэлектртармоқлари» корхонаси биноси, Термиз шаҳри, Амир Темур майдони, 10-уй)
Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи
(Маркази — Тошкент вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази биноси, Тошкент шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 51а-уй)
Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи
(Маркази — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси Фарғона вилоят бўлими биноси, Фарғона шаҳри, Турсун Қамбаров кўчаси, 27-уй)
Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи
(Маркази — Хоразм вилояти тадбиркорлар маркази биноси, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй)
Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи
(Маркази — «Ўзбурғунефтгаз» акционерлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй)
Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Қорақалпоғистон сайлов округи
(Маркази — «Оролсувқурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш очиқ турдаги акционерлик жамиятининг биноси, Нукус шаҳри, Дўстлик гузари, 94а-уй)
Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

Марказий сайлов комиссияси Раиси Н. КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 сентябрь.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан бутун Канада халқи номидан энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Иккала мамлакатимизни ажратиб турган масофага қарамай, ишончим комилки, Ўзбекистон ва Канада халқларининг ғайрат-шижоати бизнинг савдо ва иқтисодиёт соҳаларидаги ўзаро муносабатларимиз салоҳиятини рўёбга чиқаришимизда ёрдам беради ҳамда бу омиллар муносабатларимизнинг барча жабҳаларида ана шундай мустаҳкамланишга олиб келади.

Сизга ва Ўзбекистон халқига келгуси йилда тинчлик ва равнақ тилаб билдирган истакларимга Канада халқи ҳам қўшилади.

Ромео ЛеБЛАН,
Канада Генерал-губернатори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Миллий мустақиллик куни байрам қилиниши Сиз, Жаноби Олийларига қутловларимни ва Ўзбекистон халқи учун гуллаб-яшнайдиган истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш имкониятини берганидан бағоят хурсандман.

БЕАТРИКС,
Нидерландия Қироличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Греция халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят қизғин қутловлар ҳамда шахсан Сизга омонлик, шунингдек Ўзбекистон халқига фаровонлик, тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллайман.

Константинос СТЕФАНОПУЛОС,
Греция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини сидқидилдан мубораквод этишга ижозат бергайсиз.

Мартти АХТИСААРИ,
Финляндия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Баҳрайн Давлати ҳукумати ва халқи мен билан бирга Сиз Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон Республикасининг халқини мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан чин юрақдан мубораквод этадилар.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб йўллаётган табрикларимизни қабул этгайсиз.

Ҳамад бин Исо Ол ХАЛИФА,
Баҳрайн Давлатининг Амири

ХДП хабари

Сиёсий ижроқўм мажлиси

1999 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП МК XX пленумининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки тўғрисида»ги қарорини бажаришга оид чоралар ҳақида»ги масала кўрилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан ахборот берган Марказий Кенгаш котиби И.Кочмарик ҳамда муҳокамада қатнашган Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари партия кенгашлари биринчи котиблари Ф.Омонов, Ғ.Машарипов, Сиёсий ижроқўм аъзоси М.Расулов, сайловларга пухта ҳозирлик кўриш билан бир қаторда, мамлакатимизда бўлажак сайловларнинг демократия ўзанларида ўтишига ҳисса қўшиш мақсадида, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби А.Жалолов йиғилишга якун ясади.

Мажлисда, кўрилган масалага доир, тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Парвозинг баланд бўлсин, «Урганч»!

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги тантаналари шукуҳи давом этаётган айни кунларда мусаффо осмонимиз узра «Боинг—757» самолёти пайдо бўлди. Олис Сиэтлдан 4 сентябрь куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 8 да кўтарилган само қушимиз Нью-Йорк—Амстердам орқали Тошкент сари парвоз этди. Орадан 22 соат ўтгач, у Ўзбекистон пойтахтига оҳиста келиб қўнди. Унга «Урганч» деб ном қўйилган. Ўзбек учувчилари яна бир энг замонавий самолётга эга бўлдилар. Келажак ана шундай тоифадаги самолётларникидир. Зеро, ҳозир жаҳон авиаташувларининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси XXI асрни кўзлаб фаолият кўрсатмоқда. У жаҳон авиаташувчилар бозорида тобора мустаҳкам ўрин ва мавқени эгаллаётир. Бунда Ғарбда ишлаб чиқарилаётган замонавий самолётлар ҳисобига авиатехника парки тўлдирилиб борилаётганлигининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Мамлакатимиз раҳбариятининг мадади ва ёрдами туфайли миллий авиакомания ҳозир учта «А-310» ва учта «RJ—85» самолётларига эга. Ўзбек «Боинг»ларининг сони эса тўрттага етди. Бу эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га йўловчилар учун ҳар томонлама қулайлик яратишга ва уларга янада яхши хизмат кўрсатишга имкон беради. Дарвоқе, миллий авиакомпания байроғи остида йигирмадан ортиқ хорижий мамлакатга ва МДҲ бўйича ўттиз йўналишда парвозлар амалга оширилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири
Сиэтл—Тошкент

Мустақиллик мезонлари

Қоровулбозорликлар

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг энг кенжа тумани. Аслида уни истиқлол мўъжизаси, мустақиллик фарзанди деса ҳам бўлади.

Ўтган саккиз йилда туманда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Бир сўз би-лан айтганда, туман қиёфаси тубдан ўзгарди. Хўш, одамларичи? Уларнинг дунёқараши, маънавияти қай аҳволда? Бизнинг туманга қилган сафаримиздан мурод ҳам шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш эди.

Текис асфальт йўл бепоён саҳрога камардек ғўё. Унда машиналар канда бўлмайди. Атрофда фақат чўл шамолига бардош берувчи саксовуллар, ҳар хил тош, қовжираб қолган гиёҳлардан бошқа нарсага кўзингиз тушмайди. Бир неча ўн чақиримдан сўнг табиат ўзгаришини сезасиз. Чунки, барханлар оша, қумликлар оралаб келган катта канал Аму сувини қақраган чўл танасига беради: йўл атрофидаги чинорлар, кўм-кўк майдонлар жазирама ҳароратнинг шаштини синдиргандек ғўё. Яна ичкарироққа кираверсангиз кўзингиз аср мўъжизаси — нефтни қайта ишлаш заводига тушади. Инсон қандай кучқудрат, ақл-заковат соҳиби қаранг! Қарийб уч йил деганда бу улкан иншоотни қуриш осонми? Бу азим корхона Ўрта Осиёда ягона. Ўзбекистонимизда нефть мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани-чи?

Ана, нефтчилар шаҳарчаси. Кўриб кўзингиз яйрайди, дил қувонади. Саҳрода ҳаёт! Етти юздан ортиқ замонавий уй-жойларда, қироатхона, клуб, маданият саройи, мактаб, боғча... ҳаммасида ҳаёт қайнайди, келажаги буюк мамлакатимиз тақдирини ҳал қиладиган ёш авлод вояга етмоқда. Заводда ишлаётганларнинг 200 дан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Улар цехларда эмас, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимида меҳнат қилишади. Венера Қаҳҳорова, Гулнора Абдуллаева, Замира Аҳмедова, Лолахон Азизова, Умида Исҳоқова... Улар кўпчилик. Ҳар бирининг меҳнати битта асарга мавзу бўлади. Ҳа, шу азиз ватан — барчамизникида, уни обод қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Қоровулбозор — ҳамон катта қурилиш майдони. Бир томонда нурчилар, иккинчи томонда нефтчилар, учинчи томонда темир йўлчилар учун уйлар қуриляпти. Нурчилар шаҳарчаси ёнида янги коллеж биноси қурилиши авжида. «Бухоросувқурилиш» трестининг 7-кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари ғайратига тасаннолар айтсанг арзийди. Улар 450 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежининг таълим корпуси ҳамда 100 ўринли ётоқхонаси қурилишида шижоат кўрсатишяпти.

— Коллеж биносини 2001 йилда фойдаланишга топширишимиз керак, — дейди жамланма бош муҳандиси Ҳамро Турдиев. — Биз уни 2000 йилда қуриб битказишга ҳаракат қиляпмиз. Ахир, хайрли ишни чўзиб нима қиламиз. Мустақиллик бизга кўп имкониятларни берса-да, қараб турамизми? Бунда ўзимизнинг ўғил-қизларимиз — юрт юкини елкасида кўтаришга даъват этилган фарзандларимиз ўқийди-ку!

Ҳа, ҳозир туманда 7 та умумтаълим мактаби, 10 та болалар боғчаси бор. Бу, албатта ҳозирча етарли. Аммо истиқболда янги мактаб, коллежларга, академик лицейларга эҳтиёж сезилади. Бунинг ҳам чоралари ҳозирданоқ кўрилаяпти.

Бунёдкор шаҳарчани тарк этиб, яна йўлга отланамиз. Пахтазору полиззорлар шундоққина шаҳарчага туташ. Қовун ҳиди димоққа урилади. Ҳув, ана деҳқон елкасидаги кетмонини ерга қўйди. Узоқдан эса пахтазордан ўтган сўқмоқ йўлда машина ғизиллаб қолди. Биз ҳам ўша томонга юрдик.

— Тўртинчи ҳокимият вакилларига салом, — шундай дея машинадан ўрта бўйли, юзи чўл тафтидан қорайган туман ҳокими Нарзулла Йўлдошев тушаркан қўшиб қўйди, — кўп узоқлашиб кетдингизлар чамамда.

Ҳоким бизни пахта пайкалларига бошлади. Парвариш топган ғўза тупларида ҳосил шода-шода, кўсакларнинг кўпчилиги оппоқ очилган.

— Туманда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли 1400 кишини ташкил этади, — дея суҳбатни давом эттирди Н. Йўлдошев. — Бу бутун аҳолининг 11,4 фоизидир. Ривожланган давлатларда эса аҳолининг 4-5 фоизи билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етарли ишлаб чиқарилади. Биз ҳам шу йўлдан бормоқчимиз. Одамларни эмас, техникани кўпайтирмоқчимиз соҳада. Ҳозир туманда 42 та фермер хўжалиги бор. Бу эса бизнинг шароитимизда жуда кам.

Ҳа, қоровулбозорликларнинг дунёқараши кенг, онги ўзгарган, маънавияти юксак. Шу боис ҳам янгиликка ўч. Чўл шароитида пахтадан мўл ҳосил олиш учун чигитни пуштага экиш одат тусига кирди. Натижа ёмон бўлмади. «Пахтакор» жамоа хўжалиги 8-бригадасида шу усул қўлланилгани учун ҳосилдорлик 50 центнерга етди. Ғаллачиликда ҳам ютуқлар чакки эмас. 1341 тонна дон ишлаб чиқарилиб, режа 104 фоизга адо этилди. 37,5 миллион сўм соф фойда олинди.

Чўлнинг ўз фидойилари бўлади. Улар чапани, дангал, бир сўзли. Шулардан ибрат олган чоғи оғзидагини бировга бермайдиган Илҳом Муродов туманнинг тиниб-тинчимас раисларидан бири. У мана, 5 йилдирки «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига раҳбарлик қилади. Режа ҳар йил бажарилади. Даромад мўл — ҳаёт даражаси юқори. Икки қаватли шинам уйларда сув, газ — ҳамма нарса муҳайё. Бўзачи посёлкаси ободонлашиб бормоқда. Чўлқуварларнинг ўз мактаби, боғчаси, маданият уйи, боринг-ки, хусусий мулки бор. Ҳеч нарсадан толиқмайди. Шаҳарликлардан ками йўқ чўлқуварлар Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ишлашни шараф деб биладилар.

Чўлга оқшом чўка бошлади. Қоровулбозор шаҳарчасига худди юлдузлар қўнган ғўё. Ҳамма ер чароғон. Маданият саройи олдида тумонат одам. Бу ерда «Айнур» қозоқ фольклор ансамбли ўз концерт дастурини намойиш этарди. Кўп миллатли туманда ҳар бир кун самарали меҳнат билан якунланиб, оқшомлар шодон ўтади. Бу истиқлол шарофати, юртимиздаги барқарорлик неъмати эмасми?

Норбобо ШАКАРОВ,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси миллий байрамининг муборак муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сизга энг самимий табрикларимизни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, дўст халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаб йўллаётган табрикларимизни қабул этгайсиз.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ,
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан ўз номимдан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан Сиз Жаноби Олийларига қизғин табриклар ва самимий истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ушбу саодатли фурсатдан фойдаланиб, Сизга мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини халқларимиз манфаати йўлида янада ривожлантиришдан умидворлигимни билдираман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан ғоят самимий қутловларимни ҳамда шахсан Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса равнақ тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Олавур Рагнар ГРИМССОН,
Исландия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон халқига ғоят қизғин қутловлар йўллайман.

Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва анъанавий ҳамкорлик бундан буён ҳам муттасил мустаҳкамланиб, янада ривожланаверсин.

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.

Чан Дик ЛИОНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз Мустақиллиги кунининг муборак муносабати билан Сизга, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига Гамбия ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номимдан бахт-саодат ва фаровонлик истаб, самимий табриклар ва эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яқин муносабатлар ҳукуматларимиз ва халқларимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида ривожланаверади, деб умид қиламан.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва хотиржамлик тилаб, юксак эҳтиромларимни қабул этишингизни сўрайман.

Яҳъё ЖАММЕҲ,
Гамбия Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига самимий тилаклар ва табриклар йўллашдан мамнунман. Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига эса равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Зоид бин Султон Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига табрикларимни йўллашдан бахтиёрман.

Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса фаровонлик тилайман.

Мактум бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай ҳокими

Демократик ва ҳуқуқий жамият сари

Ислом КАРИМОВ:

Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт.

Мустақилликнинг саккиз йили давомида Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бориб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланган, уларнинг бурчлари қонунан белгиланган бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу ҳуқуқ ва бурчлар қатъий кафолатланган. Унда: **«Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас»**, деб алоҳида таъкидланади.

Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази директори, профессор А. Саидов билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Акмал Холматович, мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори ҳуқуқий, демократик жамият барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Тажрибали ҳуқуқшунос , шу соҳа билан шуғулланувчи ташкилот раҳбари сифатида бу жараён ўз аксини ҳаётда қандай топаяпти деб ҳисоблайсиз?

— Ўзбекистон 3 минг йиллик миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тарихига эга. Мовароуннаҳр ҳамда Туркистон цивилизацияси, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз тарихи бунинг ёрқин гувоҳидир. Инсон ҳурлигининг муқаддаслиги маънавиятимизга хос чуқур тушунчадир. Халқимизнинг буюк фарзандлари, улуғ донишмандлар Имом Бухорий ва Термизий, Беруний, Хоразмий, Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Улуғбек, Навоий, Бобур бу ҳақда ўзларининг бебаҳо мушоҳадаларини бизга мерос қолдирганлар.

Ҳуқуқий давлат қурилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат тизимини ташкил этиш (ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, мустақил суд, конституциявий юстиция), ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юридик асосларини яратиш, аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда ўз аксини топмоқда. Адолатли фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш барчадан, фуқаролар, мутахассислар ва мансабдор шахслардан ўзларининг фуқаролик, ишлаб чиқариш ва кундалик турмушлари билан боғлиқ ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги билимларини оширишни тақозо этади.

Бугунги асосий вазифа қабул қилинган муҳим давлат қарорлари, қонунлар ва янги демократик институтлар фаолиятини ҳар бир фуқарога етказишдир. Адолатли ҳуқуқий жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун ва пировард натижада буюк мақсадларимизга эришишимиз учун соф виждонли, пок ва барча одамийлик фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсонлар зарур. Зеро, маънавий баркамол инсонларгина баркамол жамият қуриши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, жамиятни демократлаштириш ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида асрлар давомида шакилланган миллий-тарихий қадриятларимиз янги умумжаҳон қадриятлари билан бойитилиши даркор.

— Ана шу жараёнда халқаро ҳуқуқ институтлари билан ҳамкорлик қандай кечади? Умуман бугунги кунда Миллий марказнинг халқаро ташкилотлар билан алоқалари ҳақида гапириб берсангиз?

— Инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик Миллий марказ фаолиятининг стратегик йўналишларидандир. Ўзбекистонда демократия ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсат ва амалга оширилаётган ишлар ҳозирда халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда. ЕХҲТ ва БМТ вакилларининг фикрича, бу соҳада ҳам Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари орасида етакчи ўриндадир. Бугун Миллий марказ муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш бўйича миллий ижрочи вазифасини бажармоқда. Уларнинг биринчиси Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастури ўртасида имзоланган «Ўзбекистонда демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарувни такомиллаштириш» дастури бўлиб, мазкур дастурнинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди. Дастур тайёрлов ва амалга ошириш босқичларини ўз ичига олган, унга кўра Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий институтларни шакллантириш, миллий мутахассислар тайёрлаш каби бир қанча вазифалар амалга оширилди. Бошқа бир нуфузли халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси билан имзоланган «Ўзаро ҳамкорлик меморандуми»га кўра эса Ўзбекистонда нохукумат ташкилотлар тизимини ривожлантириш, ҳукумат хизматчилари касбий кўникмаларини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчиликни хабардор қилиш, сайлов қонунчилигини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, аёлларнинг жамиятдаги ролини юксалтириш, миллатлар ва динлараро ўзаро тотувлик масалалари бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар иккала ҳужжат Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим тадбирлардан бўлиб қолмоқда.

Миллий марказнинг Ўзбекистондаги бошқа хорижий шериклари сифатида БМТ қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссарининг минтақавий вакилини, БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотини (ЮНЕСКО), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё билан алоқалар Бюроси, Конрад Аденауэр халқаро жамғармасини, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказини, Халқаро Қизил Хоч Қўмитасини, Америка адвокатлари ассоциациясини, Жорж Сорос жамғармасини, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Польша, Словакия ва Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихоналарини санаб ўтиш мумкин. Халқаро ташкилотларнинг бир нечтаси билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилган. Бундан ташқари Миллий марказ инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар, масалан, Женевадаги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари маркази, БМТнинг Нью-Йоркдаги котибияти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Варшавадаги Демократик институтлар ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва бошқалар билан тўғридан-тўғри муносабатлар ҳам ўрнатган.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим қирраларидан биридир. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида республикамизда қандай қонуний база яратилган?

— Авваламбор, мустақиллик йилларида юздан зиёд қонунни ўз ичига олган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тизими шакланди.

Бугун биз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти томон дадил қадамлар ташлаб бормоқдамиз. Бу вазифа жамиятда қонунлар ва ривожланган адолатли қонунчилик устувор бўлишини талаб қилади. Конституция ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бошқа халқаро битимларда қайд этилган талаб ва андозалар инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон қонунларининг ўзаги ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 40 дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилиб, бу соҳадаги халқаро андозаларга риоя қилиш мажбуриятини олди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар тизими барпо этилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Амалдаги қонунлар мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, шунингдек кўплаб жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар. Улар орасида Омбудсманнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий фаолияти алоҳида диққат ва таҳсинга сазовордир.

Ҳозирда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим базаси яратилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. «Инсон ҳуқуқлари» фанини ўқитиш жорий этилди. «Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозалар», «Инсон ҳуқуқлари», «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органларининг фаолияти» ўқув дастурлари тайёрланди. Олий ўқув юртлари учун «Инсон ҳуқуқлари» дарслиги нашр этилди. ЮНЕСКОнинг «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар» ўқув қўлланмаси таржима қилинди, мазкур дарсни ўқитиш бўйича ўқув-методик қўлланма тайёрланди. Ички ишлар вазирлиги академиясида «Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедраси, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг «Инсон ҳуқуқлари, демократия, толерантлик ва халқаро ўзини тушуниш» кафедраси ташкил этилди. Тошкент давлат юридик институтида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқларни ўрганиш маркази ишлаб турибди. Инсон ҳуқуқлари масалаларига бағишланган турли семинарлар, конференциялар, ўқув курслари ташкил қилинди.

Республикамиз ҳукумати ҳамда ноҳукумат ташкилотлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди, чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ҳам мазкур масалага оид бир қанча қўлланмалар тайёрланиб, нашр этилди. Албатта бу билимларни оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани таълим ва маориф идоралари ўз зиммаларига олишлари керак. Ҳуқуқий таълим мактабдан бошланиши лозим, кейинчалик ўрта ва олий ўқув юртларида давом эттирилади.

— Бу жараённинг ҳозирги кундаги долзарб муаммолари нималардан иборат?

— Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг тақдири авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, маданиятли, онгли мутахассислар, қисқача қилиб айтганда, инсонларга боғлиқдир. Инсон ҳар бир жамиятнинг етакчи кучидир. Жамият ривожланиши билан инсоннинг ўзи ҳам ривожланиб боради, тажрибаси ортади, моддий ва маънавий бойликлар яратади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси ёшидан қатъий назар, демократик жамиятда яшаш қонунларини билиши лозим. Фуқароларни қонунлар устувор бўлган жамиятда яшашга тайёрлаш, уларнинг шахсий маданиятини юксалтиришга барча эътиборни қаратиш зарур. Демократик жамиятда ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ мажбуриятлари ҳам мавжуд. Бу мажбуриятлар ўзга халқларнинг маданиятини ва уларга хос хусусиятларни билишга, уларни тушунишга ҳаракат қилиш ва ҳурмат қилишдан иборатдир. Бу вазифаларни бажаришда ҳам таълим, маориф ва маданий муассасалар фаолияти ғоятда муҳимдир.

Оммавий ахборот воситаларининг чинакам эркинлигини таъминлаш эса ушбу йўналишдаги муҳим вазифалардан бири эканлигини Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларида алоҳида таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, инсон ўз ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини яхши билиб олгандагина уларнинг поймол этилишига йўл қўймайди, бу ҳуқуқларга риоя қилишни қатъий талаб қилади.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, маориф ходимлари фаолияти ҳам етарли савияда бўлмоғи лозим. Афсуски, ушбу масъулиятли вазифаларни амалга оширишда зарур ваколатларга эга бўлиб олиб, амалда улардан ўзининг бошқалардан устунлигини кўрсатиш, оддий фуқаро устидан имкон қадар ҳукмронлик қилишда фойдаланаётган ва ҳали ҳамон инсонларда ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан ишончсизлик ва ҳурматсизлик уйғотишга хизмат қилаётган айрим ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳам мавжуд. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари савиясини янада юксалтиришни тақазо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига нафақат қонунга асосланиб айблаш, балки фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш вазифаси ҳам юклангандир. Улар инсон қадр-қимматига, ор-номусига, обрўсига зиён етказмай, зўравонликсиз ва адолатли иш олиб боришлари лозим.

Ғофур ЖАМОЛОВ

Мулк эгасини топаяпти

Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий филиали вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Давлат Мулкини Бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда мулк бозорини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларини бажара бориб, 1999 йилнинг 6 ойи мобайнида кўчмас мулкни сотиш бўйича 66 марта савдо ташкил этилди. Шундан 28 марта «кимошди» ва 38 марта «биржа» савдолари ўтказилди. Жами 441 та кўчмас мулкларни сотишга муваффақ бўлинди.

— Кўчмас мулк савдоси пул ҳажмида 117.098 минг сўмни ташкил этиб, режа 621 фоизга бажарилди, — дейди вилоят кўчмас мулк биржа директори Фазлиддин Мирзаев. — Шу жумладан, жорий йилнинг 6 ойи давомида уй-жой ва ёрдамчи хўжалик қуриш учун ер майдонларини сотиш бўйича 50 та ер майдонини 1300 минг сўмга сотиш режалаштирилган эди. Амалда 60 та ер майдони 1316 минг сўмга сотилиб 120 фоизга, пул ҳажми бўйича эса 101 фоизга адр этилган.

Шунингдек, иқтисодий ночорлиги сабаб банкрот деб эълон этилган корхоналарнинг мол-мулклари сотилиши бўйича 106 та мулк 2848.7 минг сўмга сотилди. Солиқ органлари томонидан бюджет тўловларини тўламаган қарздор 49 та корхонанинг мол-мулклари 86166.0 минг сўмга сотилган.

Биржа жамоаси ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйганлигини хўжалик суди ижро варақлари асосида қарздор корхоналар мол-мулкларининг 24 таси 13773.0 минг сўмга сотилганлигидан ҳам билса бўлади. Кўчмас мулк биржаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарорининг бажарилиши борасида бюджетга тегишли автоуловларни сотувга қўйди. 54 та автоуловлар 14037.0 минг сўмга сотилиб, бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда бозор иқтисодиётини шакллантириш, кўчмас мулклар бозорини ривожлантириб, «кимошди» ва «биржа» савдоларини ташкил қилиш ва ўтказишда ушбу мулкларни маҳаллий телевидение, радио ва рўзномалар орқали реклама қилишга асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида юқори самара бериб, иншоот ва мол-мулкларни сотиш вақтида кўплаб харидорлар тўплашга имконият яратмоқда. «Биржа» садволарида нафақат Навоий вилоятидан, балки қўшни вилоятлардан ҳам сотувчи ва харидорлар қатнашиши эса ички бозор ривожининг ўсишга олиб келаётгани диққатга сазовордир.

Кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлимида ҳозирги кунда 21 та брокерлик идоралари хизмат кўрсатмоқда, ҳар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари «Биржа» савдоларини ўтказиш белгиланган.

Брокерлик идораларининг иш фаолиятини янада яхшилаш мақсадида республика «Консалтингхаборотаудит» маркази, республика Кўчмас мулк биржаси ҳамда Давлат мулк бошқармаси билан ҳамкорликда Навоий вилоятининг ўзида брокерлик ўқувини ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу эса кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган брокерлик идораларини малакали мутахассислар билан таъминлайди.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Суратда: Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий филиали директори Фазлиддин Мирзаев

Мустақиллик неъматлари



Академик лицейлар

Юртимизда таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш келажаги буюк давлатимизнинг ўзига хос дастуриламалларидан. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицей эса бугунгача фойдаланишга топширилган 17 та ана шундай ўқув юртларидан биридир. Лицейнинг очилиш маросимида институт ректори, фан арбоби, профессор Ҳ. Бобоев йиғилганларни хайрли ишлар билан табриклаб, муваффақиятлар тилади. Академик лицейда 375 ўқувчи билим олади. Бу йил 125 нафар ўқувчи қабул қилинди. 30 нафар малакали ўқитувчи ёшларга сабоқ беради. 35 та синфхоналар замон талабига хос жиҳозланган. Йиғилишда «Эркин» хусусий қурувчилик фирмаси раҳбари Э. Исроилов лицей директори Ҳ. Назаровга ўқув юртининг рамзий калитини топширди.

Йўлдош ПАРДА,
ҳуқуқий-маърифат тарғиботи марказа нашриёт бўлими мудири.
Баҳром РИХСИЕВ,
марказ нашриёт бўлими мудири

Мамлакатимизда ёшларни маънавий жиҳатдан етук, билимли қилиб тарбиялаш масаласи бугунги кунда барпо этилаётган турли ихтисосликдаги лицей ва касб-ҳунар коллежларининг бунёд этилаётганлигида аниқ кўринмоқда.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани ҳудудида қад кўтарган Тошкент қурилиш-коммунал коллежи (суратда) мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди. Мустақиллик куни ўз ватрига ўқувчиларни қабул қилди. Бунёдкорлик ишларини «Тошшаҳаройжойқурилиш»нинг 159-трести қурувчилари олиб боришди.

—Ушбу даргоҳга ўрта мактабнинг тўққизинчи синфини тугатган йигит-қизлар ўқишга қабул қилиндилар ва улар сув таъминоти ҳамда оқова сувлар тизими устаси, газ таъминоти тизимлари мутахассиси, уй-жой ва маъмурий биноларни таъмирлаш устаси, меъморлар, тижорат фаолияти, кичик менежерлик ва бухгалтерия ҳисоби ихтисосликлари бўйича таълим оладилар, — дейди коллеж директори, техника фанлари доктори Аббос Хўжаев.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Юртнинг кўрки бўлакча

Мустақилликнинг саккиз йиллик байрами Наманганга қўшалоғидан келди. Катта бунёдкорлик, самарали яратувчилик, савобли эзгу ишлар қатори вилоятда 7 та касб-ҳунар коллежи замонавий, хорижнинг илғор намуналари асосида ўзгача чирой топди. Тиббиёт коллежига 52 миллион сўмлик компьютер ва бошқа энг замонавий ўқув жиҳозлари, кўргазма материаллари қўйилди. Ётоқхоналари ёришди, кенгайди. Алоҳида секцияларга ажратилиб, дарсхоналар пайдо бўлди.

Шаҳарнинг Лола йўналишидаги собиқ 7-ҳунар техника билим юрти кўркам ва чиройли қилиб таъмирланди. Коллежга ўқишга келган талабалар, ота-оналар, айниқса ўқитувчилар ҳайратининг чек-чегараси йўқ. 100 миллион сўмга яқин сарф этилган маблағ эвазига енгил саноат касб-ҳунар коллежига айланган мазкур муассасада эртамизнинг қўли гул ҳунармандлари таҳсил олади.

Чуст туманида очилган коллеж эса қадимий туман чиройига чирой қўшди.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бошланган саъй-ҳаракат кутилган натижани бермоқда. Коллежларни тантанали очиш маросимларида бу натижа кўзларда чақнади, ҳайратларда уфурди. Тантаналарда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Назрулла Жўраев, вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов ва бошқаларнинг табрик нутқларида истиқлолнинг нақадар улуғлиги, маслак ва мақсадлар ягоналиги, орзу ва истаклар муштараклиги ифода бўлди. 7 та коллежни муддатида ва сифатли битказган қурувчиларга тасаннолар айтилди.

Тантаналарда яна бир мўъжиза кўзга ташландики, уни айтмай илож йўқ. Янги коллежларда янги талабалар қасамёд қилишди:

— Ўзбекистон мустақиллигига, Конституциямизга, Ўзбекистон Республикаси Президентига... содиқ бўлишга қасамёд қиламиз, қасамёд қиламиз, қасамёд қиламиз!

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Диққат, кимошди савдоси!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар Бошқармаси ҳузуридаги Ер участкалари ва турар-жойларни хусусийлаштириш хўжалик ҳисобидаги маркази Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги Сирғали 14-даҳасида жойлашган ва якка тартибда турар-жой бинолари қуриш учун мўлжалланган ҳар бирининг майдони 400 кв.м.га тенг бўлган 20 та ер участкаларини сотиш бўйича кимошди савдоларини ўтказади.

Кимошди савдолари 1999 йилнинг 29 сентябрь, 8 ва 26 октябрь кунлари эрталаб соат 10.00 ўтказилади.

Ҳар бир ер участкасининг **бошланғич нархи — 224449 сўмни ташкил этади.**

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан соат 18.00 гача, шанба куни соат 9.00 дан соат 13.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси бошланишига уч кун қолганда тўхтатилади.

Бундан ташқари, Ихтисослашган электромонтаж созлаш бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари савдоларга қўйилади:

Манзили: А. Икромов тумани, Чилонзор даҳаси, 25-мавзе, 126-уй.

■ Давлат рақами 10-24 ТНБ, 1986 йил ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи 212878 сўм бўлган ГАЗ-52-01 русумли автомобиль;**

■ Давлат рақами 33-13 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи 335211 сўм бўлган КАВЗ-3271 русумли автобус;**

Автомобиллар бўйича аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13.

Бу ерда Сизни қизиқтираётган барча саволларингизга жавоб олишингиз мумкин. Телефон: 144-51-84

Хафталик кўрсатувлар

СЕШАНБА 7

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Оҳанглар жилоси». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 78-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Товус». Мультфильм.
10.15 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 Қундузги сеанс: «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
12.05 «Мактублар — кабутарлар».
12.30 «Ҳа, Ҳа, Ҳа...».Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
*
12.50 «Етгил камолга». Спорт дастури.
13.05 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
14.10 «Ёшликми ёки бебошлик».
14.30 «Қўшиқ — бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий дастур.
15.10 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол ғунчалари».
16.00 «Санъат олами».
16.25 Ватан тимсоллари.
16.30 «Ямбуй ажинаси». Бадиий фильм.
18.10 «Бешбармоқ».Тележурнал.
18.30 1999 — Аёллар йили. «Аёл — олам чароғи».
18.45 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
19.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Кодекс».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.25 «Умр ўтмоқдадур дарё мисоли». Ўзбекистон халқ шоири Т. Сулаймон.
22.15 «Олтин тўп — теннис клуби». «Президент кубоги» солномаси.
22.25 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
23.20 «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Кавказ асираси». Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 78-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ватан манзаралари».
19.50, 20.40, 22.55 Эълонлар.
19.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.45 «Марду-майдон».
21.05 «Парламент».
21.15 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.25 «Қамолот».
21.45 «Буюк юрт фарзандиман».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Премьерадан сўнг».
23.00 Синема. «Чархланган тиғ».
01.00 «Янги тонг!»

ТТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Сен ҳақингда ва сен учун».
18.25 «Шов-шув». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Тошкентим-онам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Суҳбатдош».
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Дўстлар ва қўшиқлар». Концерт 2-қисм.
16.30 «Интернет ҳудуди».
16.45 «Мультчархпалак». Россия давлат телевидениеси.
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.00 Клип-антракт.
18.05 «Мавзу».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «ТВ-4»да «Немис тўлқини».
21.50 «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.20 Кинематограф. «Ганга ва Жамна». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.50 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал(Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал(Мексика).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Хит-30». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 8

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Эстрада концерти.
9.15 «Мураббий». Спорт дастури.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 17-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Санъат ғунчалари».
10.35 Кундузги сеанс: «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
12.05 «Талаб ва таклиф».
12.25 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
12.50 «Илм ўзликни билмакдир».
13.05 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
14.10 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.40 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан...».
15.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Тўтиқушли хоним». Бадиий фильм.
17.35 «Жаҳон спорти».
17.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чорбоғ манзаралари».
18.10 Болалар учун. «Янгиланиш».
18.30 «Эл тинчлиги йўлида».
18.55 «Олам ва одам».
19.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Санъатим — саодатим». Ўзбекистон халқ артисти З. Суюнова.
22.00 «Олтин тўп — теннис клуби». «Президент кубоги» солномаси.
22.10 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдигаан юрт». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
23.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Хоразм».
23.55 «Ахборот».
«Умид» намойиш этади:
00.25 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
01.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 79-қисм.
02.05-02.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўйна болажон, ўйна», мульттомоша)
18.40 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ракурс».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.50 Эълонлар.
20.35 «Танишинг: Обид Мухамедов».
20.50 «Каталог».
21.00 «Эркин фикр».
21.15 «Дил рози». Мусиқий дастур.
21.25 «Спектаклдан сўнг».
21.45 «Буюк юрт фарзандиман».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.30 «Олис сафарлар иштиёқида». Хитой.
22.55 Сенема.
00.25 «Хит-коллекция».
00.45 «Хайрли тун!»

ТТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Осойишталик фидойилари».
18.25 «Шов-шув». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Марғилон». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 «Ёрим менга қарамайди». Телефильм.
22.00 «Хайрли оқшом».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 Туркия телевидениеси
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Дўстлар ва қўшиқлар». Концерт. 3-қисм.
16.30 «Спорт-клуб».
16.45 «Мультчархпалак».
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 Хайрли тун,кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
21.25 «Дил изҳори».
21.30 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Андорра—Россия терма жамоалари.
23.25 Клип-антракт.
23.30 «Вести».
23.50 «Экран зийнати ва қиймати».
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол».
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Интернет-кафе». Дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА 9

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».Телесериал.
79-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Устоз».
10.25 «Қўшиғим — жон қўшиғим».
10.55 Кундузги сеанс: «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.35 «Сайқал».
13.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 3-қисм.
14.10 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
15.00 «Ўзбекистон фуқароси».
15.15 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
15.40 «Адолат мезони».
16.00 Ватан тимсоллари.
16.05 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий -публицистик кўрсатув.
16.30 «У ўлдиришни хоҳламаганди». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Қуйла. ёшлигим».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Рубобим тори иккидур». Мусиқий дастур.
22.15 «Олтин тўп — теннис клуби». «Президент кубоги» солномаси.
22.30 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
23.30 «Сомон йўли».
24.00 «Ахборот».
00.30 Экранда — кинокомедия. «Дала ҳовли».
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 79-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Истиқлол — менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35, 20.25, 23.05 Эълонлар.
19.40 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.30 «Мезон».
20.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.05 «Ўтган кунлар». Амир Темур тузуклари.
21.25 «Мусиқий лаҳзалар».
21.35 «Бегойим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканали.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.10 Синема. «Бошқа муҳаббат бўлмайди».
00.30 Спорт қитъаси.

ТТВ
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Тв ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Мусиқий дастур.
21.45 «Нафосат гулшани».
22.10 «Ҳунари бор хор бўлмас». Телефильм.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4да Немис тўлқини».
16.00 «Дўстлар ва қўшиқлар». Концерт. 4-қисм.
16.30 «Эътироф».
16.40 Клип-антракт.
16.45 «Мультчархпалак».
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.00 Клип-антракт.
18.05 «Йўқотилганларни излаб...». Г. Вицин. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Яхши,ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «СНН-шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.20 Кинематограф. Джоди Фостер «Соммерсби» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Мусиқий-дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол».
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Шоу-бизнес империяси». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мен туғилган тупроқ».
9.15 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 18-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оналар мактаби».
10.25 Немис тили.
10.55 Кундузги сеанс: «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-серия.
12.05 «Садоқат».
12.30 «Куйлардан — қўшиқларга».
13.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 4-қисм.
14.10 «Бокира туйғулар».
14.30 «Вўстон». Тележурнал.
15.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кўксув дарёси бўйлаб».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Сомон йўли».
16.00 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
16.30 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Ислоҳот ва масъулият».
18.50 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссияси-да».
19.25, 19.55, 20,25, 21.00, 21.40 ,23.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали ғолиби Н. Сатторова куйлайди.
21.45 «Олтин тўп — теннис клуби». «Президент кубоги» солномаси.
22.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 5-қисм.
23.05 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.35 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», мульттомоша)
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.45, 20.35, 23.40 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Аср қиёфаси».
20.55 «Ўзбекистон Президенти кубоги» учун халқаро теннис турнири олдидан.
21.10 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.20 «Шукрона».
21.30 «Азизим».
21.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Саломат бўлинг».
23.25 «Шарқ тароналари».
23.45 Синема. «Американча сирғанчиқ».
01.35 «Мунаввар тонг истаб».

ТТВ
8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Мусиқий гулдаста».
9.30 Болажонлар экрани.
11.10 «Ёшлар кўчаси». (такрор)
11.35 «Спорт оламида».
11.50 «Фаровонлик бекати».
12.20 Кинонигоҳ.
14.00-14.15 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Умр боқий ва ҳамиша навқирон». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 Катталар учун эртак.
22.00 «Кўнгил тароналари».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv
Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.30 СНН-шоу.
15.55 «Дўстлар ва қўшиқлар». Концерт. 5-қисм.
17.00 «Мультчархпалак».
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 Татьяна Васильева «Хотин-қизлар тарихи» дастурида.
18.15 Ҳужжатли детектив.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Яхши,ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Сизнинг адвокатингиз».
21.45 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.20 Кинематограф. «Ортингга боқ». Мелодрама.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.45, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Сизга аталган қўшиқлар». Ирина Понаровская куйлайди.
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 11

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.20 «Ҳидоят сари».
«Умид» намойиш этади:
9.45 «Маҳорат».
10.05 «Оқибат».
*
10.25 «Мус-ринг». Телешоу.
11.00 «Мозийдан бир мўъжиза».
11.15 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
11.50 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 5-қисм.
12.50 «Илм олами: XXI аср бўсағасида».
13.10 «Келин-куёв». Телешоу.
14.00 Теннис бўйича. «Ўзбекистон Президенти кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25,19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кишлоқ ҳаёти».
21.30 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси 6-қисм.
Спорт дастури:
23.00 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» халқаро турнири кундалиги.
23.15 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.15 «Мусиқий саёҳат»
00.35 «Борже узуги». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
02.05-02.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 78-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.15 «Бегойим».
11.40 «Мусиқий лаҳзалар».
11.45 «Ҳаёл».
12.05 «Спектаклдан сўнг».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Мафтункор чеҳралар».
13.25 «Менинг орзуим».
13.30 «Мусиқий глобус».
13.50 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
13.55 «Премерадан сўнг».
14.15 «Мусиқий лаҳзалар».
14.25 «Шу куннинг мавзуси».
14.45 «Тарзан». Телесериал.
15.30 «Спорт китъаси». Теннис.
16.00 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», мульттомоша)
18.35 «Кинотақдим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ҳайрат».
19.55, 20.35, 23.15 Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.00 «Юлдузлар олами». Хусниддин Ҳолиқов.
21.20 «Матбуот».
21.35 «Сир».
21.55 «Мусиқий лахзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.20 Синема «Ҳисоби никоҳ». Комедия.
00.50 «Хайрли тун!»

ТТВ
8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «ТВ ва театр».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.50 «Ёшлар ҳудуди».
10.20 Болажонлар экрани.
11.30 «Ибрат».
12.00 «Ҳамшаҳарлар».
12.25 «Бева Бланка». Телесериал.
13.10 «Янги ой чиққан кеча».
13.35 Кинонигоҳ.
15.15-16.00 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Немис шарҳи».
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли сандиқча».
18.20 «Ёшлар кўчасида».
18.40 «Мисли гавҳар».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Ишдаги ишқ ёки...».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
01.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Соммерсби». Бадиий фильм.
11.05 «Жонли сайёра». «Тасис» дастури намойиш этади. «Азамат» лақабли Флорида қоплони».
11.35 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали.
12.05 «Болалар олами».
12.20-13.40 «Биргаликда куйлаймиз». Финал
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.20 Пьер Ришар «Бу мен эмас, у...» комедиясида. Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.30 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.35 «Келинг «Гасинг» ўйнайлик!».
22.45 Кинематограф. «Йўлбарс ва мушукча». Кинокомедия.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал
9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.40 Болалар учун фильм.
11.35 «Довюраклар спорти». Спорт дастури.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «30-канал»да премьера. «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал(Австралия).
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Экран санамлари».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал(Канада).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Алла».
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Нурли келажак».
11.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
11.50 «Эл тинчлиги йўлида».
12.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» — «Дўстлик».
13.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 6-қисм.
14.00 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» VI Халқаро турниридан репортаж.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.50 Теннис бўйича «Ўзбекистон Президенти кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.05 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.30 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм премьераси. 7-қисм.
23.30 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.45 Кино янгиликлари.
24.00 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
00.20 «Борже узуги». Бадиий фильм. 3-4 сериялар.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 79-қисм.
11.15 «Ёшлар» телеканалида.
11.20 «Гулбаҳор Эркулова куйлайди».
11.40 «Марду-майдон».
12.00 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
12.10 «Лаззат».
12.30 «Цирк, цирк, цирк».
12.50 «Рамаяна». Телесериал.
13.25 «Чироғи ёниқ уй».
13.45 «Тасис» дастури намойиш этади: «Биз инсонмиз».
14.15 «Шукрона».
14.25 Болалар учун фильм.
15.35 «Ёнмаган ёзувлар».
15.55 «Мусиқий лаҳзалар».
16.05 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус», мульттомоша)
18.40 «Қўша қаринг».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Жараён».
19.45, 20.25, 23.35 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Синфдош».
20.50 «Дунё ҳафта ичида».
21.10 «Очун». Мадаминбек 1-қисм.
21.30 «Спорт ҳафтаномаси».
21.50 «Каталог».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканали.
22.35 «Азиз юртим». («Шаҳзод» гуруҳи)
23.40 Синема. «Мэрия».
01.20 «Тонг юлдузи!»

ТТВ
8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «Аёл — она, мураббий, рахбар» клубида кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
9.25 «Ёрилтош». Мульттуплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.20 «Нафосат гулшани».
11.45 «Бева Бланка». Телесериал.
12.30 «Туризм ҳақида».
13.00 «Суҳбатдош».
13.25 «Жавоҳирлар соҳили».
13.40 «Спорт-тайм».
14.05-15.40 Такрорий фильмлар экрани.
***
17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Латифа».
18.45 «Камолот сари».
19.05 Табриклаймиз, қутлаймиз.
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 «Ибрат».
20.30 «Та

Янги сафар изланишлар

Бобур номидаги Халқаро жамғарма раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабов билан суҳбат

Меросимизни ўрганамиз

— Ҳурматли Зокиржон ака, сиз раҳбарлик қилаётган жамғарма фаолиятига, андижонлик бобуршунослар амалга ошираётган ишларга нафақат муштарийларимиз, балки кенг жамоатчиликда қизиқиш катта. Шунинг учун суҳбатимизни жамғарманинг шу кунлардаги ишлари ҳақида бошласак.

— Бажонидил. Хабарингиз борки, 1991 йили юртимиз озодликка эришганидан руҳланиб, биз — Бобур Мирзо ижоди ва шахсиятининг бир гуруҳ ихлосмандлари Андижон шаҳрида буюк ватандошимиз номи билан аталувчи халқаро жамғарма тузган эдик. Ватанимиздаги юзлаб маърифатпарвар инсонлар, биринчи галда давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Каримовнинг яқиндан қўллаб-қувватлаши туфайли жамғармамиз ишлари юришиб кетди, озми-кўпми қилган меҳнатимиз эл-юрт назарига тушди. Мен ҳозир жамғармамизнинг фаолияти ҳақида ҳисобот бериб ўтирмоқчи эмасман. Фақат бир неча далил ва рақамларни зикр этиб ўтишни жоиз деб биламан.

Бобур Халқаро жамғармаси қошида ташкил этилган илмий экспедиция шу кунга қадар Марказий Осиё республикалари ҳамда Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Миср каби ўндан ортиқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб автомобилда етти бор илмий сафар уюштирди. Биз Осиё, Африка ва Европа қитъаси ҳудудларида жами бўлиб 200 000 километрга яқин масофани босиб ўтдик. Бобур ва бобурийлар қадамжолари, умуман Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиқиб, Шарқ ўлкаларида яшаб фаолият кўрсатган ва умрини шу жойларда якунлаган кўплаб тарихий шахслар, жумладан, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб, Зебунисо, Бедил, Мирзо Ғолиб, Хусрав Деҳлавий, Бехзод, Машраб, Беруний, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Жомий, Носир Мирзо, Жаҳонгир Мирзо, Ибн Сино, Яссавий, Румий, Али Қушчи, Форобий, Фарғоний,Офоқ Хўжа, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Фурқат ва яна бошқа ўнлаб сиймоларнинг илмий мероси, абадий оромгоҳларига оид муҳим янги маълумотлар тўпладик ва уларни илмий истеъмолга киритдик.

«Бобур соати» ва Бобур халқаро жамғармасининг Андижондаги янги биноси

Экспедициямиз Агра ва Кобул шаҳарларидаги Бобур Мирзо дафн этилган жойлардан тупроқ келтириб, Андижондаги Бобур боғида шоиримизнинг рамзий мақбарасини тиклашга ҳисса қўшди. Ҳиротда афғон уруши туфайли вайрон бўлиб ётган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро қабр-мақбараларини тиклаш юзасидан топографик-геодезик ва муҳандислик ҳисоб-китоб ишлари бажарилди. Шунингдек, ўтган йил охирида Ғазна шаҳридаги Абу Райҳон Берунийнинг, Қоҳирадаги Аҳмад Фарғонийнинг қабридан бир сиқим тупроқ олиб, она-Ватанимизга келтирдик. Ҳозирги кунда Беруний туманида буюк алломанинг ўша табаррук тупроқ қўйилган рамзий қабр-мақбараси ва улкан ёдгорлик мажмуи барпо этилмоқда.

Сафарлар давомида қўлга киритилган маълумотлар асосида ўндан зиёд илмий, ҳужжатли, бадиий асарлар, ўнга яқин ҳужжатли, видеофильмлар яратилди.

Бугунги кунда жамғарманинг Лоҳур (Покистон), Ҳайдаробод (Ҳиндистон), Абу Даби (Бирлашган Араб Амирликлари), Ўш (Қирғизистон), Наманган (Ўзбекистон), Москва (Россия), Бельдфельд (Германия) шаҳарларида бўлимлари ташкил этилиб, фаолият олиб бормоқда.1998 йил февраль ойида биз кенг жамоатчилик иштироки билан Тошкент ва Андижон шаҳарларида Бобур Мирзонинг 515 йиллик юбилейини нишонладик. Жамғарма таъсис этган бобуршунослик соҳасидаги халқаро мукофотлар ўтган йилнинг 14 февраль куни Андижон шаҳрида биринчи марта ўз лауреатларига топширилди. Мамлакатимиз ва чет элларда фаолият олиб бораётган таниқли олим ва адиблар, санъат намояндаларидан ўн тўрт киши мазкур мукофотга сазовор бўлди. Улардан икки киши хориж фуқароси — бири афғонистонлик олима Шафиқа Ёркин, иккинчиси япониялик профессор, «Бобурнома»нинг япон тилидаги таржимони Эйже Манодир.

Биз бобурий боболаримизнинг эзгу ишларини давом эттириб, имконимиз доирасида турли хайрия тадбирларида иштирок этиб келмоқдамиз. Муҳтож оилаларга кўмак бериш, мактаблар, ўқув юртларига илмий-бадиий адабиётлар билан ёрдам кўрсатиш, тарихимиз, қадриятларимизга бағишланган асарларни нашр этишга ҳомийлик қилиш каби ишлар шулар жумласидандир. Биз бобурийларнинг бугунги авлодларига ҳам моддий-маънавий ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан, Тошкент давлат техника университетида таълим олаётган Бобур авлоди, ҳиндистонлик Аброр ибн Умар жамғарма стипендиясини олиб ўқимоқда.

Жамғармамиз фаоллари кейинги пайтда кўпроқ Андижондаги Бобур қадамжоларини ободонлаштириш билан машғул бўлдилар. Мустақиллик байрамининг саккиз йиллиги арафасида Бобур боғидаги музей биносини ва унинг гумбазини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жамғарма томонидан шаҳримизнинг Мирпўстин кўчасида «Бобур соати» деб номланган курант бунёд этилиб, истиқлол байрами кунларида фойдаланишга топширилди.

— Бобур халқаро илмий экспедициясининг дунё бўйлаб қилган сафарлари ҳақида ёзилган мақола ва лавҳаларни, китобларни завқланиб ўқиганмиз, ғаройиб саргузаштлар билан тўла, машаққатлар ва хавф-хатарлардан ҳам ҳоли бўлмаган сафарларингиз хусусидаги ҳужжатли фильмларни ҳаяжонланиб кўрганмиз. Жамғарманинг яқин ўртада яна шундай сафарлар ташкил этиш нияти борми?

— Умуман, илмий экспедициямизнинг табиати ҳам, унинг Низомида белгиланган мақсад-вазифалар ҳам бизнинг доимий йўлда, илмий изланишларда бўлишимизни талаб этади. Юрган — дарё, ўтирган— бўйра, деганларидек, бобурийларнинг бутун дунёга сочилиб кетган ўлмас ва бебаҳо меросини тўплаш, илмий жиҳатдан холис ва теран ўрганиш, улардан халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодларимизни бахраманд этиш бизнинг асосий ниятимиздир.

Шу кунга қадар биз асосан шарқ мамлакатларида бўлиб, темурийлар ва бобурийлар маданиятига оид кўплаб манбалар билан танишдик. «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи учун юзлаб китоблар, қўлёзмалар, бошқа тарихий экспонатлар тўплашга муваффақ бўлдик.

Айни вақтда изланишлар жараёнида биз шунга амин бўлдикки, кўҳна ва бой тарихимизга таалуқли, жумладан, бобурийлар маданиятини ёритувчи жуда кўп тарихий ҳужжатлар Европа мамлакатларининг музей ва кутубхоналарида сақланаётган экан. Албатта, уларнинг маълум бир қисми ўзбекистонлик шарқшунос олимлар томонидан ўрганилган, илмий муомалага киритилган. Лекин бизнинг ўтмиш маданий бойлигимиз шу қадар улкан эканки, биз уларнинг ҳаммаси ҳақида мукаммал ва етарлича маълумотга эгамиз, деб айта олмаймиз.

Бобур номидаги Халқаро жамғарма раёсати ана шу мақсадда, яъни қадим тарихимиз ва беқиёс маданий ёдгорликларимизни янада чуқурроқ ўрганиш, имкони борича улар билан ватандошларимизни яқиндан таништириш учун Европа мамлакатларида ўз бўлимларини ташкил этишга қарор қилди. Ҳозирги кунда бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Масалан, биз Россия пойтахти Москва шаҳрида ва Германиянинг Бельдфельд шаҳрида Бобур жамғармасининг бўлимларини очишга муваффақ бўлдик. Жамғармамизнинг Москва бўлимига Морозов Борис Михайлович, Бельдфельд бўлимига эса доктор Ян Хонзель жаноблари раҳбарлик қилмоқда.

Биз ана шу бўлимларимиз орқали Европа мамлакатларидаги ўзбек маданиятига дахлдор тарихий-бадиий ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш бўйича ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдамиз. Изланишлар натижасида Германиянинг Гамбург шаҳри кутубхоналаридан бирида — Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзо ва Бобур Мирзонинг ўғли Комрон Мирзо қаламига мансуб девонлар сақланаётганини аниқлашга муяссар бўлдик. Ҳозирги вақтда ана шу қўлёзмалардан нусхалар олиш ва уларни «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига келтириш юзасидан амалий иш бошлаганмиз.

Шу кунларда экспедициямиз навбатдаги халқаро сафарга тайёргарлик кўрмоқда: Ўзбекистон, Германия ва Россиянинг олим ва мутахассисларидан иборат илмий экспедиция 9 сентябрь куни автомобилда Ўзбекистон бўйлаб сафарга жўнаб кетади. Экспедиция сафида ўзбекистонлик бобуршунослар ва журналистлардан ташқари германиялик олимлар — доктор Ян Хонзель ва Сюзанна Хонзель, доктор Юрген Андреас Эрнест ва Тиманн Алтъханс, Россиядан Борис Морозов иштирок этадилар.

Экспедиция сафари қарийб бир ой давом этади. Бу гал йўлимиз Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Хонобод, Урганч, Хива шаҳарлари бўйлаб ўтади. Экспедиция иши чоғида заминимиздаги меъморий обидалар зиёрат қилинади, олимлар, адиб ва шоирлар билан бирга ликда илмий анжуманлар ўтказилади, бобурийларнинг қадамжоларида бўлиб, бўлғуси мақолалар, китоблар ва фильмлар учун материаллар тўпланади. Умид қиламизки, экспедициямизнинг бу юриши ҳам самарали натижаларга бой бўлади.

Биз 2000 йилда ана шундай сафарни Европа мамлакатлари бўйлаб автомобилда амалга оширишни мўлжалламоқдамиз. Бунинг учун ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Мақсадимиз — боя айтганимдек, у ўлкалардаги кутубхоналар, музей ва архивлардаги бобурийлар тарихига алоқадор илмий-маданий манбаларни ўрганиш.

— Режалар ҳақида фикр юритиш ҳамиша ҳам мароқли. Маданий жамоатчилик сизни тиниб-тинчимас инсон, маънавият жонкуяри сифатида танийди. Жамғарманинг бундан бошқа ҳам ўй-режалари бўлса керак?

— Албатта, режалар, орзу-ниятларимиз кўп. Аммо уларни рўёбга чиқариш учун катта меҳнат, вақт, қунт-иштиёқ, қулай вазият, маблағ талаб этилади. Эҳтимол, буларнинг барчасини амалга оширишнинг имкони бўлмас, бироқ мен жамғармамиз олдида турган бир неча зарур вазифаларни биз албатта адо этишимиз керак, деб ўйлайман.

Биз шу кунларда иккита катта лойиҳа устида иш олиб бормоқдамиз. Улардан биринчиси — мумтоз мусаввир Камолиддин Бехзоднинг Ҳиротдаги қабрини ободонлаштириш ва мамлакатимиз пойтахтида унинг рамзий мақбарасини бунёд этиш билан боғлиқ. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳам жамғармамизга аниқ топшириқ юклатилган. Афғонистондаги вазият имкон бериши билан биз бу ишни бажаришга киришамиз.

Иккинчи лойиҳа эса «Ўзбекистон карвони Буюк ипак йўлида» деб аталади. Биз — бир гуруҳ олимлар, сайёҳлар ва табиатшунослар бу ҳақда кўпдан буён орзу қилиб келамиз. Унга кўра дастлаб отлар ва туялардан иборат рамзий карвон билан йўлга чиққан экспедиция кейинчалик сафарини автомобилда давом эттириши, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой — Ҳиндистон — Бирма ҳудудлари орқали ўтиб, Рангун шаҳрида дафн этилган сўнгги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ Зафарнинг мангу оромгоҳи ҳолатини ўрганиш, имкон доирасида уни тиклаб-таъмирлашга доир тадбирларни бажариш кўзда тутилган.

Бу сафарнинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, биз қадимий Буюк ипак йўли орқали мустақил, озод Ўзбекистон карвонини тузиб сафарга чиқар эканмиз, аввало Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва бугунги ҳаётини, давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини кенг миқёсда тарғиб ташвиқ қиламиз. Бу бизнинг жамиятимиз, халқимиз олдидаги қарзимиз, инсоний бурчимиздир. Чунки Ўзбекистон истиқлоли бизнинг йўлларимизни очиб берди. Интилишларимизни қўллаб-қувватлаш, оз хизматларимизни кўп ўрнида кўриб муносиб тақдирлаш. Шунинг учун ҳам мен тўлиқ ишонч билан мана шу ўтган саккиз йил мобайнида бутун умрим давомида қилолмаган ишларни қилишга муваффақ бўлдим, дея фахру ғурур билан айта оламан. Инсонийлик қадр-қимматимизни, дину диёнатимизни тиклаган истиқлол замонасида яшаш насиб этгани учун шукрона қиламан.

Суҳбатдош
С. ХЎЖАЕВ

Дарсликдан дарсликнинг фарқи бор

Бугунги кунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш» Миллий дастури ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилмоқда. Бу нарса ўз навбатида таълим, тарбияга янгича ёндашишни тақозо қилади. Умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар, хусусан 6-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуаси («Ўқитувчи» нашриёти, 1999 й.) мана шу йўлда қўйилган муҳим қадамдир. Педагогик тафаккурнинг янгиланиши адабиёт ўқитишни янада юқори мақомга кўтарди. Чунки комил инсонни тарбиялашда адабий таълимнинг ўрни ва аҳамияти катта. «Умумий ўрта таълимда адабиёт ўқитиш концепцияси», «Умумий ўрта таълим «Адабиёт» дастурлари учун давлат стандарти» адабиётни янгиланган педагогик тафаккур талабларига мувофиқ ўқитишни талаб қилади. «Адабиёт» дарслик-мажмуаси муаллифлари педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев, педагогика фанлари номзоди Қундузой Ҳусанбоева, методист ўқитувчи Нодира Ғуломовалар дарсликни яратишда юқорида айтилган давлат аҳамиятига молик ҳужжатларни асос қилиб олганлар. Бу ҳужжатларда адабиёт ўқитишнинг мақсади: «юксак маънавиятли комил шахсни шакллантириш», адабий таълимнинг вазифалари эса: «Ўқувчиларда адабиётга меҳр уйғотиш, бадиий асарларни ўқийдиган, тушунадиган ҳамда таҳлил қила биладиган, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма тарзда равон, саводли ифодалай оладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир» дейилган.

Дарсликнинг «Маънавият хазинаси» деб номланган кириш қисмидаёқ муаллифларнинг янгича услуби, ўқувчи билан суҳбатдошдек бўлиб, болада ўзига ишонч, руҳий эркинлик ва миллий ғурурни уйғотиш, ўқувчига тингловчи эмас, илғор иштирокчи сифатида қараши яққол сезилиб туради. «Келажагини ўтмиши қадар юксак» қилиш шу ёш авлодга боғлиқлиги уқтириладики, бу ҳар бир ўқувчига илҳом бериб, ғурур уйғотиши шубҳасиз.

Мажмуа «Бола — учқур ҳаёл соҳиби», «Кечаги кун сабоқ», «Сўзда ҳикмат бор», «Туйғуларнинг камалак ранги» каби тўрт рукнга бўлинган бўлиб, бу рукнларда миллий, қардош ва жаҳон адабиётининг бадиий жиҳатдан юксак асарлари ва адабий-назарий материаллари ўрганиш кўзда тутилган. Алишер Навоий, Гулханий, Абай, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақида шунингдек, адабиётда ўз ўрнига эга бўлган, аммо шу вақтгача 6-синф дарсликларига киритилмаган Рабғузий, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Жанни Родари, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Азим Суюн, Зоҳир Аълам, Тоғай Муродлар ижоди ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Дарсликнинг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчига тайёр фикр берилиб, ўқитувчининг айтганидан чиқмасликка ундалмайди, аксинча эркин фикрлашга рағбатлантирилади. Янги дарслик амалдаги дарсликлардаги барча ўқувчиларни бир хил фикрлашга йўналтирувчи «асар ҳақидаги» мақолалар ўрнига матнлар юзасидан катта ҳажмдаги савол-топшириқлар берилганлиги билан аҳамиятлидир. «Оқ кема» юзасидан 32 та, «Нидо» бўйича 18 та, «Музқаймоқ» юзасидан 16 та, «Қиссаси Рабғузий» юзасидан 13 та, «Афандининг қирқ бир пашшаси» бўйича 33 та, «Юлдузлар мангу ёнади» юзасидан 40 та савол-топшириқлар берилган. Муҳими, бу савол-топшириқлар матннинг бадиий жозибасини очиш, сўз сеҳри, адиб маҳорати, услубнинг ўзига хослигини ўрганишида ўқувчига ёрдам беради, болани мустақил фикрлашга ўргатади.

Ёзувчи болалиги билан ўз болалигини қиёслашга ундовчи саволлар, рамзий маънолар ҳақидаги, бугунги воқеликларни ўша давр билан қиёслаш юзасидан берилган топшириқлар ўқувчининг шахс сифатида шаклланишида, мустақил фикрловчи инсон бўлиб етишувида маълум роль ўйнайди. Зотан, янгиланган педагогик тафаккур шароити адабиёт дарсликларида методика илмида мавжуд қатор тамойилларга қўшимча равишда индивидуаллик, эстетик асосларнинг устуворлиги, ўқув таҳлилида ягона ва ҳаммага мажбурий хулоса чиқаришнинг мумкин эмаслиги тамойиллари етакчилик қилади.

Бугунга қадар адабиёт дарсликларида ҳал қилувчи фикрни ўқитувчи дарслик асосида айтган бўлса, 6-синф дарслик-мажмуасида бундай ҳолатдан бутунлай воз кечилган, ўқувчи матнга асосланган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, хулоса чиқарищи, мушоҳадаларини матн асосида исботлай олишига қаратилган. Бошқача қилиб айтсак, дарсликда тарбияланувчини таълим жараёнининг объектидан-субъекти даражасига кўтариш, ўқувчини дарснинг фаол иштирокчисига айлантириш, ўқитувчи билан ўқувчини бир мақсад сари интилаётган ҳаммаслак, ҳамфикрга айлантириш асосий мақсад қилиб олинган. «Бадиий адабиётсиз инсон тўла маънода шахс бўлиб шакллана олмаслиги» давлат аҳамиятига молик педагогик ҳужжат — Умумий ўрта таълим «Адабиёт» дастурлари учун давлат стандарти»да алоҳида таъкидланганлигини ҳисобга олсак, янги алифбода чоп этилган бу дарсликни XXI аср дарслиги дейишимиз мумкин.

Маънавиятнинг асосий жиҳатлари бўлган ҳамдардлик, инсон инсонни тушуниб, нозик туйғуларини ҳис қилишда адабиётнинг роли беқиёсдир. Дарслик-мажмуада кўзда тутилган асосий мақсад ўқувчида адабиётга меҳр уйғотиш, шу орқали миллатга меҳр уйғотиш, халққа, қолаверса башариятга меҳр уйғотишдир. Бадиий матнлар ҳам шу нуқтаи назардан танланган. Ўқувчи ўзлаштириши мўлжалланган материаллар тарбияланувчининг руҳий имкониятлари, тафаккур даражалари, умуман ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум бир тизимга солинган.

Янги руҳда яратилган «Адабиёт» дарслигида берилган халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт намуналарини ўрғатишда болаларни мустақил фикрлашга ўргатмоғи асосий талаб қилиб қўйилган. Дарслик-мажмуанинг асосий мақсади ҳам янгича фикрлайдиган ўқувчиларни шакллантиришга хизмат қилишдир.

Дарсликлаги берилган бадиий асарлар ёки улардан олинган парчалар ўқувчига маънавий озуқа бўлишига ҳаракат қилинган. Ж.Родарининг «Хурушни эпламаган кучукча» эртаги, О. Ёқубовнинг «Музқаймоқ» ҳикояси, халқ қўшиқларининг янги варианти, Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари, Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», Азим Суюннинг инсон туйғулари, бола руҳияти тасвири берилган шеърлари каби ўқув материаллар ўз савияси билан ўқувчиларни камолот сари етаклайди.

Дарсликнинг яна бир диққатга сазовор томони мумтоз адабиёт матни, ёки қардош, замонавий адабиёт, халқ оғзаки ижоди матни юзасидан тузилган. Шу жиҳатдан ҳам бу дарслик аввалгиларидан ажралиб туради. Мисол учун «Олма» тимсолига эътибор қаратинг. «Олма»да бирор рамзий маъно бор деб ўйлаймизми?, «Қиссаси Рабғузий» бўйича «Туркий халқлар Нуҳ пайғамбарнинг қайси ўғлидан тарқалганлиги, уларнинг не боис азиз ва мукаррам бўлганлигини тушунтириб бера оласизми?». Зулфия шеърияти юзасидан тузилган «...ёш қуйдирган зафар ёноғим» ташбеҳидаги кутилмаган ифодаларни топинг», «Оқ кема» юзасидан «Қисса қаҳрамони нега яширинча йиғлайди деб ўйлайсиз, одатда, болалар йиғлашдан уялишмайди-ку?«, ёки Азим Суюн шеърияти юзасидан берилган «Баҳодирнинг қиличи синди. Ёвники бутун!» сатрларининг бадиий вазифасини англатинг» кабилар.

Дарсликдаги шу сингари саволлар ва қисқача илмий мақолалар ўқувчилар фикрини бир қолипга солиш учун эмас, асарлар талқинига доир фикрий йўналишлар бериш, ўқувчининг фикрлаш тарзига илмийлик олиб кириш мақсадида берилган.

Дарслик ҳақидаги фикрларимизни хулоса қилиб айтсак, давлат аҳамиятига молик ҳужжатларда таъкидланган: «Соғлом эътиқодли, умуминсоний қадриятларни англайдиган, баркамол ахлоқли, ўз хатти-ҳаракатларига масъул «яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан, ҳақни ноҳақдан, гўзални хунукдан фарқлай биладиган ёш авлодни» тарбиялашда муҳим қўлланмадир. Муаллифларнинг 6-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуасидан фойдаланиш йўлларини тадқиқ этиб ёзган «Ўқитувчи китоби» деб номланган методик қўлланмаси бу ишни янада осонлаштириб, янгиланаётган миллий педагогикада муҳим қадам бўлиб қолади.

Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ТошДУ доценти.

Тошкент шаҳар Муниципиал биржа маркази 1999 йил 22, 29 сентябрь ва 8, 26 октябрь кунлари соат 10.00 да кимошди савдоларини ўтказади

Кимошди савдоларига якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган ҳар биринг сатҳи 0,04 га бўлган ер майдонлари қўйилади.

Бошланғич нархи — 224449 сўм.

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-хона.

Телефон: 144-43-77, 144-51-74

Газетанинг навбатдаги сони 11 сентябрь — шанба куни чиқади

ОБЪЯВЛЕНИЕ

17 сентября 1999 г. Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит аукцион по реализации 3-х и 4-х комнатных 11 квартир в доме местных органов государственной власти, расположенном по адресу: г. Ташкент, А.Икрамовский р-н, м-в Чиланзар, 11 кв-л, дом № 13.

Стартовая цена от 328667 сумов до 431129 сумов.

По всем вопросам обращаться в Ташкентский городской муниципальный биржевой центр, расположенный по адресу: ул. А.Кадыри, 13, ком. № 1.

Тел: 144-43-77, 144-51-74.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги М.Ч.Ж. «Шанс-ТД» банкротлик ҳолатига учраганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши 11 сентябрь соат 9.00 да Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ДСИда, 212-хонада ўтказилади.
Тел: 162-17-82

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан 1999 йил 17 майда Давронхон Нигматуллаевич Юсупов номига берилган 509572 рақамли тадбиркорлик ҳақидаги патент гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,*
навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Туров кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004 Газета офсет усулида. А—2 форматида. 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,